IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/

XX АСРДА МАҚСУД МАҚСУМБЕК ЎҒЛИ ШАЙХЗОДАНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШНИ АҲАМИЯТИ

Vaxobov Qayum Jamshidovich

Toshkent davlat transport universiteti talabasi

Аннотация: Зиё дегани нур, ёруғлик ойдинлик демакдир. Хақиқатдан хам зиёлиларимиз элга билим, маърифат, маданият улашиши, таълим-тарбия беришдек савоб ишларга даъват этилган. Шайхзоданинг ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти, хусусан, Алишер Навоий ижодини тадқиқ этиш борасидаги илмий ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. У филология фанлари номзоди, энг аввало буюк шахс, адабиётшунос эди.Адибнинг асарлари кўплаб қардош ва хорижий халқлар тилларига таржима қилинган. 2001 йили ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Мақсуд Шайхзода “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.Шайхзода шеърий ижодида, асосан, замонавий мавзуларда қалам тебратди, драматургиясида эса, тарихий ўтмишга теран назар ташлаб,ундаги замонавий муаммоларни ёритишга ёрдам берди.

Калит сўзлар: шеър, таржима, достон,тўплам,драмалар.

Annotation: Ziya means light, light means clarity. Indeed, our intellectuals are called upon to do good deeds, such as sharing knowledge, enlightenment, culture and education. Prince's scientific work on the history of Uzbek literature, Uzbek folklore, in particular, the work of Alisher Navoi is also commendable. He was a candidate of philological sciences, first of all, a great person, a literary critic. His works have been translated into many languages of fraternal and foreign nations. In 2001, Maqsud Shaykhzoda was awarded the Order of Merit for his great contribution to the development of Uzbek literature and culture.

Keywords: poem, translation, epic, collection, dramas.

Мақсуд Шайхзода 1908 йил 7 ноябрда Озарбайжоннинг Ганжа вилоятига қарашли Оқдош шаҳрида туғилди.Озарбайжон ва ўзбек халқининг севимли шоири, ёзувчиси, драматурги, забардаст олимидир. 1928 йили Тошкентдаги Наримонов номидаги техникумда дарс беради. 1935-1938 йилларда Тил ва Адабиёт институтида илмий ходим, филология фанлари номзодига эга бўлди. 1938 йилдан бошлаб Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек классик адабиёти кафедрасига раҳбарлик қилди. 1964 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбобидир. Мақсуд Шайхзоданинг ижодини 4 та бўлимга бўлиб ўрганганимизда куйидагиларга эътиборимизни қаратамиз. Шеърий тўпламлари:1929 йил “Ўн шеър”,1932 йил “ Лойиқ соқчи”, 1933 йил “ Ундошларим”, 1934 йил “ Учинчи китоб”, 1935 йил “Жумҳурият”, 1942 йил “Кураш нечун”, 1943 йил”Кўнгил дейдики...”, 1948 йил “ Юрт шеърлари”, 1961 йил “ Йиллар ва йўллар”дан иборатдир. Достонлари: 1958 йил “Тошкентнома”, драмалари: 1944 йил “Жалолиддин Мангуберди”, 1961 йил “Мирзо Улуғбек”, таржималари: А.С.Пушкин “Мис чавандоз”, М.Ю.Лермонтов “Кавказ асири”, В.Шекспир “Ҳамлет”,“Ромео ва Жульетта”лардир. Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёти ва ижодининг ёшлар онгида илмий ва тарбиявий аҳамияти катта. Мақсуд Шайхзода санъат ва адабиёт, тарих, фалсафани севади. Асарлари миллатлар орасидаги ўзаро ҳурмат, тотувлик асосида ёзилган.”Жалолиддин Мангуберди” драмасида одамлар қалбида ватанпарварлик туйғусини жўш урдирувчи, қаҳрамонлик руҳидаги асардир. Шайхзода иккинчи жахон

уриши йиларида ёзган “Жалолидин Мангуберди” трагедиясида ўз юртининг озодлиги ва мустақилиги учун муғил истилочиларига қарши курашган сунгги Хоразим шохининг жанговар жасоратини тарихан аниқ ва хаққоний тасвирлаган шоир Ботир Эргашевнинг драмадаги “Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал, Ким юртдан ёвни қувса, мендирман ўшал” мисрасидан илҳомланиб ёзган шеъри хонанда Озодбек Назарбеков томонидан куйланди. Асарда Султон Жалолиддиннинг охирги сўзи сифатида қуйидаги сатрлар келтирилган: Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда, Юрт шайдоси кўринмас ғурбатда, гўрда. Ким юртидан ёвни қувса, мендурман ўшал, Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал Шоирнинг инсоний фазилатлари: Шоирнинг бошидан кўп мусибатли кунлар ўтган бўлмасин, у ҳеч қачон зорланмаган, аламзадалик ҳисси билан яшамаган. Иймон- эътиқоди, дунёқараши мустаҳкам бўлган. Чунки унинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Миртемир.... каби содиқ дўстлари бор эди.

Фойдаланилган адабиёт:

“Ўзбек адиблари” (С.Мирвалиев, Р.Шокирова. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва сан’ат нашриёти 2016) китобидан.